



ОИЛАНИНГ ДЕМОГРАФИК БАРҚАРОРЛИГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

Ойбек Абдусаломов

Андижон давлат университети мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22011369>

Аннотация. Мақолада оиланинг демографик барқарорлиги ва оилавий бахтлилик даражасига таъсир этувчи ижтимоий омиллар таҳлил қилинган. Таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик, оилавий муносабатлар, қарор қабул қилиш, ўзаро ҳурмат ва оилавий қадриятларнинг аҳамияти эмпирик кўрсаткичлар асосида ёритилган. Тадқиқот натижалари оила барқарорлиги ва бахтлилик даражасини белгилашда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий омилларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: оила, демографик барқарорлик, бахтлилик индекси, оилавий муносабатлар, бандлик, соғлом ҳаёт, гендер тенглиги, оилавий қадриятлар, ижтимоий фаровонлик.

Таълим олиш имкониятининг мавжудлиги Одатда фарзанди учун кенг имкониятлар яратиб бера олган инсонларнинг ўз ҳаётидан қониқиш даражаси юқорироқ бўлиши кўплаб тадқиқотлар давомида кузатилган. Форобийнинг фикрича, “инсон тасодифан, осонлик билан бахт- саодатга эришавермайди. Бахтли-саодатли бўлиш учун инсон узлуксиз илм олиши, турли касбларни, ҳунарларни ўрганиши лозим. Шунингдек, ўрганилган касбларни, ҳунарларни рўёбга чиқариш, яъни амалиётга татбиқ этиш малакасига ҳам эга бўлиши даркор”.

Оиланинг демографик барқарорлиги жамиятда авлодлар давомийлиги, оила институтининг мустаҳкамлиги ва оила аъзоларининг барқарор ҳаёт кечириш имкониятлари билан боғлиқ ижтимоий ҳолатни ифодалайди. Унинг мазмуни туғилиш кўрсаткичлари доирасидан кенг бўлиб, оиланинг ижтимоий муҳитга мослашуви, фарзандларни тарбиялаш учун яратилган шароит, таълим олиш имконияти ва келажакка ишонч каби омилларни ҳам камраб олади. Шу жиҳатдан оила аъзоларининг ҳаётдан қониқиши ва бахтлилик даражаси демографик барқарорликнинг ижтимоий-психологик ҳолатини англаш имконини берувчи муҳим кўрсаткич сифатида намоён бўлади.

Соғлом ҳаёт кечириш давомийлиги. Оилавий бахтлилик даражасининг муҳим кўрсаткичларидан бири, оила аъзоларининг сиҳат-саломатлиги ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг қай даражада бўлиши аҳолига, оилаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва даражасига бевосита боғлиқ. Тиббий хизмат индекси статистик маълумотлар ва сўров натижалари асосида ўлчанди.

Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси томонидан олинган статистик маълумотларга кўра, Фарғона вилоятида ҳар 10000 нафар аҳолига 22 нафар шифокор тўғри келади. Дунёнинг аксар мамлакатларида бу кўрсаткич 60 тани ташкил этадиган бўлса, у ҳолда вилоятдаги бу кўрсаткични +0,2 деб баҳолаш мумкин.

Тадқиқот давомида сўровда иштирок этган респондентларнинг 21,7 фоизи ўз ҳудудларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасидан юқори даражада, 56,3 фоизи ўрта даражада ҳамда қолганлари пастроқ (12,9%) ҳамда жуда паст (7,5%) даражада қониқиш ҳосил қиладилар. Ўрганилган ҳолат юзасидан ўртача бахтлилик даражаси ҳисобланганда у +0,4 индексни кўрсатганлиги, аҳолининг тиббий хизматлардан қониқиши ўртадан биров пастроқлигини аниқлаб берди.

Демак, статистик кўрсаткич ва тадқиқот натижаларининг ўртача индекси +0,3 ни ташкил этди.



Саломатлик оиланинг демографик имкониятларига бевосита таъсир этувчи омиллардан биридир. Оила аъзоларининг соғлом ҳаёт кечириши, тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти ва соғлиқни сақлаш тизимига бўлган ишонч репродуктив қарорлар, фарзанд тарбияси ҳамда оиланинг узоқ муддатли режаларига таъсир кўрсатади. Шу сабабли соғлом ҳаёт давомийлиги ва тиббий хизматлардан қониқиш даражасини ўрганиш оиланинг демографик барқарорлигини ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан баҳолашда алоҳида аҳамият касб этади.

Бандлик даражаси. Сўров варақасида оилаларнинг бандлик кўрсаткичи “иш/даромадга эгамисиз?” деган савол билан ўлчанди. Бунда нафақат респондентларнинг ўзи, балки уларнинг турмуш ўртоқларининг бандлик даражаси ҳам инобатга олинди ҳамда иккала жавоблар асосида ўртача +0,65 индексни ташкил этиши аниқланди.

Оиланинг иқтисодий барқарорлиги ҳам демографик жараёнларнинг ижтимоий асосларини белгилайди. Доимий иш ва даромад манбаининг мавжудлиги оила аъзоларида ижтимоий ҳимояланганлик ҳиссини кучайтиради, фарзандли бўлиш ва уларнинг келажагини режалаштириш учун зарур шароит яратади. Бандликдаги барқарорлик оилавий муносабатларнинг мустаҳкамлиги, турмуш шароитидан қониқиш ва келажакка нисбатан ижобий қарашларни шакллантиришга хизмат қилади. Шу маънода иқтисодий фаровонлик демографик барқарорликнинг муҳим ижтимоий заминларидан бири ҳисобланади.

Оилавий ҳаётдан қониқиш даражаси ва оилавий бахтлиликни баҳолаш. Оиладаги муносабатлар инсоннинг бахтлилик даражасини белгилашда муҳим ўрин эгаллайди. Кўп ҳолларда оиланинг қандай муносабатлар ва кимнинг ташаббуси асосида қурилганлиги келажакдаги оилавий муносабатларни, оила аъзоларининг ушбу муносабатлардан қониқиш даражасини ва маъсулиятини белгилаб беради. Олимларнинг таъкидлашича, “инсонга олий қадрият сифатида муносабатда бўлиш, унинг манфаатларини ислохотларнинг асосий мезони тарзида тушуниш муҳим аҳамият касб этади”. Тадқиқот давомида мазкур ҳолат бахтлилик даражасини белгилаб берувчи асосий индикатор сифатида тадқиқ қилинди.

Ўрганилган фикрлар ва олинган натижаларнинг таҳлили асосида респондентларнинг оилавий муносабатлардан қониқиш даражаси ёхуд бахтлилик коэффициенти +0,5 индексни ташкил этиши аниқланди. Бу ҳолат уларнинг жавоблари билан изоҳланиши мумкин. Тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг ярми (48,1%) совчилар орқали ва ҳар икки томоннинг розилиги асосида, 35,7 фоизи эса ўзаро танишиш ва севги асосида оила қурганлиги аниқланди. Салбий ҳолат сифатида баҳолашни мумкин бўлган жавоблар, яъни мажбурий равишда никоҳланиш (1,1%) ёки тасодиф ва иложсизликлар никоҳланиш (0,5%) ҳолатлари аксарият камчиликни ташкил этди.

Оиладаги муносабатлар ва қарор қабул қилиниши кўп ҳолатларда гендер тенглиги, ихтиёр эркинлиги ҳамда инсоннинг ўзини бахтли ҳис қилиш даражасини белгилаб бериши мумкин. Шунинг учун мазкур масалага ҳам тадқиқотнинг асосий кўрсаткичи сифатида алоҳида эътибор қаратилди.

Респондентлар фикрининг аксарияти (65,9%) оилавий муносабатларда қарорларнинг эр ва хотин томонидан биргаликда қабул қилинишини намоён қилди. Ҳар бешинчи оилада (16,5%) эса қарорлар қабул қилинганида эр-хотин билан биргаликда оила катталарининг фикри ҳам муҳим аҳамиятга эгаллиги маълум бўлди. Қолган ҳолатларда қарорлар қабул қилинганида турмуш ўртоғининг (8,9%) ёки эр ва хотиннинг фикрлари инобатга олинмаслиги аниқланди ҳамда уларнинг бахтлилик даражасига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолат сифатида баҳоланди. Таҳлиллар натижасида ўрганилган респондентларнинг оилавий қарорлар қабул қилишдан қониқиш ҳолати ва бахтлилик даражаси +0,7 индексдалигини аниқлади.



Маълумки, бир қатор тадқиқот натижалари оилавий ҳаётдан қониқиш даражасининг пастлиги ҳамда оилавий ажримларнинг асосий сабаби сифатида ўзаро тушунишнинг йўқлиги намоён бўлади.

Мазкур ҳолат ўрганилиши баробарида аксарият респондентларнинг оиласида тўлиқ ёки қўп ҳолатларда ҳурмат ва муҳаббат (61,5%), анъана ва миллий урф-одатлар (29,3%) асосида ўзаро тушуниш мавжудлиги аниқланди. Шу билан биргаликда фарзандлар ёки бошқа мажбуриятлар туфайли оиласини сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган, оиласи нотинч, доимий жанжаллар ва тушунмовчиликлар содир бўлаётган ҳолатлар нисбатан кам миқдорда бўлсада учраши тадқиқот давомида аниқланди.

Оилада қарорларнинг ўзаро келишув асосида қабул қилиниши, эр-хотин ўртасидаги ҳурмат ва ишонч, оилавий масъулият ҳамда ўзаро тушуниш демографик барқарорлиқнинг маънавий-ижтимоий асосларини шакллантиради. Оилавий муносабатлар мустаҳкам бўлган муҳитда никоҳнинг барқарорлиги, фарзанд тарбиясига масъулиятли муносабат ва авлодлар ўртасидаги маънавий ворислик кучаяди. Шу боис демографик барқарорликни таҳлил қилишда оилавий қадриятлар, шахслараро муносабатлар ва оила аъзоларининг ҳаётдан қониқиш даражасини ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Оилавий қадриятларнинг муҳимлик даражаси. Ҳар бир инсоннинг ўз қадриятлари мавжуд бўлади. Мана шу қадриятлар жамиятдаги инсонларнинг хатти-ҳаракатини, интилишларини ва ҳаётда эътибор берадиган асосий жиҳатларини белгилаб беради. Тадқиқот давомида қадриятлар бахтлилик индексининг асосий индикатори сифатида тадқиқ қилинди. Унга кўра, 9 та асосий қадриятлар танлаб олинди ва уларга нисбатан респондентларнинг фикрлари ўрганилган ҳолда ҳар бири бўйича ўртача индекси аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Қуронов М. Болам бахтли бўлсин десангиз...: ота-оналар учун. – Т.: Маънавият, 2013. – Б. 126.
2. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. Халқ сўзи, 2017 йил 1 июль.
3. Э.Кодиров. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари (академик лицей ва касб-хунар коллежлари мисолида). Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; ҳуқуқий таълимотлар тарихи (юримик фанлар) Юримик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилгандиссертация. Тошкент, 2019 й. – Б 108.